

«Миллий тикланиш»  
ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИНING  
ИЖТИМОЙ-СИЁСIIY  
ГАЗЕТАСИ



# MILLIY

tiklanish

№ 8 (1157) 2022 йил 2 март, чоршанба

1995 йил 10 июндан чиқа бошлаган

www.mf.uz / milliytiklanish2022@mail.uz



**УНГА ҚАРШИ  
САВОДСИЗЛИК  
МАРКАЗИ КЕРАК**

**ҚАДРИЯТЛАРИМИЗГА  
ҚУРМАТСИЗЛИК  
ҚИЛГАНЛАРНИ  
ЖАРИМА КУТМОҚДА**

**САВОДСИЗЛИК**

**5  
ФРАКЦИЯГА ЯНГИ РАЎБАР  
САЙЛАНДИ**

Кеча «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентига сайланган партия фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

**6  
ТАЪЛИМ СИФАТИНИ  
ЮКСАЛТИРИШ ЭНГ  
МУҲИМ МАСАЛА**

Бухорода «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фракция аъзолари ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан туманлар кесимида олиб борилган умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятининг таҳлили юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.



**7  
«СИТОРАИ МОҲИ-ХОСА»  
МАЖМУАСИГА  
28 МИЛЛИАРД СЎМ ЗАРАР  
ЕТКАЗИЛГАН**

Кўҳна ва боқий Бухородаги Амир Олимхоннинг ёзги қароргоҳи «Ситораи Моҳи-Хоса» мажмуасини таъмирлаш, тиклаш жараёнида маданий мерос объектига 28 миллиард сўм зарар етказилганлиги айтиб ўтилган эди.

## ОФИЗБИРЧИЛИК ФЕНОМЕНИ

миллатни ягона кучга айлантириши, иқтисодиётимиз ривожига ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлидаги рағбат нуқтасига айланиши керак



**23 минг магистрант  
қизнинг контракт  
тулови учун  
200 МИЛЛИАРД...**

**Занжир  
ҳалқасидаги  
туғун**

Халқ педагогикасида бола тарбияси билан боғлиқ қарашлар бисёр. «Боланинг биринчи Ватани бешик», «Боланинг тафаккур олами у эшитаётган, кўраётган, ҳис қилаётган нарсалар орқали теранлашиб боради», «Бола назари тушган, эшитган нарсани тўлиқроқ англамоққа интилади» кабилар. Тўнғичимиз Бахтиёржон мактабга чиққан биринчи кунидек:  
– Аяжон, менга Беруний ҳақида гапириб беринг, – деб қолди.  
– Биласизми, нега мактабимизга Абу Райҳон Беруний номи қўйилган? Беихтиёр уни бағримга босиб, пешонасидан ўпдим.  
– Утир, сенга айтиб бераман. Беруний бобомиз ёшлиғидан табиатга қизиққан. У жудаям кўп тилларни билган. Осмондаги юлдузларни кузатиб, дарёларнинг қандай оқишигача ўрганган. Ҳиндистонга бориб кўҳна ҳинд тили, ҳиндларнинг ўтмиши ва маданиятини ўрганган. Денгизлар чўлга, чўллар денгизга айланишини, океанлар ўзгариб туришини ҳам аниқлаган. Кўп-китоблар ёзган. Мана нима учун мактабимизга Абу Райҳон Беруний номи қўйилган...  
Давоми 4-бетда

**Ноқонуний  
кушхона  
топилди**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига Тошкент вилоятида ноқонуний фаолият кўрсатаётган кушхона ва унда сифатсиз гўшт сақланаётгани ҳақида мурожаат келиб тушганида аввалига ишонгимиз келмади. Аммо...  
«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Отабек Жиянбаев бошчилигидаги вакиллар воқеа жойига борганларида ҳақиқатан ҳам мурожаатда кўрсатилган кушхонада санитария талабларига зид ҳолда кўп миқдорда гўшт сақланаётгани маълум бўлди. Партия фаоллари ва депутатларнинг тезкор ҳаракатлари натижасида ярқисиз гўшт Қашқадарё вилоятидан пойтахт савдо дўконларига келтирилгани аниқланди. Партияимизнинг 2020-2024 йилларга мўлжалланган Сайловолди дастурида миллат генофондини сақлаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сифатли, хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўмаклашиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу маънода, бундай ғайриқонуний ишлар ҳеч қачон эътиборимиздан четда қолмайди. Зеро, бугун аниқлаган ҳолат биринчиси ва охиригиси ҳам эмас. Демак, бу борада жамоатчилик назоратини янада кучайтиришимиз лозим.  
Лола МИРАЛИЕВА,  
партиянинг Тошкент шаҳар Кенгаши бош мутахассиси

**НОҚОНУНИЙ  
ҚАБР**

ҚАЗИЛГАН МАЖМУА, ҲАР  
ЙИЛИ БИР ФИШТИ ҚУЛАБ  
ТУШАДИГАН МАҚБАРА,  
БАХТСИЗ ОШИҚ УЗИНИ  
ТАШЛАГАН МИНОРА...

**7**

**АКАДЕМИК  
ҲАЛОЛЛИК  
КЕРАКМИ?**

**5**

**ПАРТИЯЛАР  
ҚАЧОН  
УЙФОНАДИ?**

**3**



**ЖАНОБ ДЕПУТАТЛАР,  
МУАММОЛАР ҚОҒОЗЛАРДА ҚОЛИБ  
КЕТМАЙДИМИ?**

**3**













